ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

# ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИГА, УЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВОСИТАЛАРИГА ВА ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИГА САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК ХУЛОСА БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА ЙЎРИҚНОМАНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

*(қарор номига киритилган ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сонли (рўйхат рақами 1525-1, 15.01.2018 й.) қарорига асосан 2018 йил 16 апрелдан кучга киради — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/1525-1/0566-сон)*

**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 28 ноябрда 1525-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган]**

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги ва «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги қарор қилади:

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

1. Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига санитария-эпидемиологик хулоса бериш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

*(1-бандга киритилган ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сонли (рўйхат рақами 1525-1, 15.01.2018 й.) қарорига асосан 2018 йил 16 апрелдан кучга киради — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/1525-1/0566-сон)*

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

**Соғлиқни сақлаш вазири Ф. НАЗИРОВ**

Тошкент ш.,
2005 йил 30 сентябрь,
01-1/54-сон

**«Ўзстандарт» агентлиги Бош директори Р. БЎРИЕВ**

Тошкент ш.,
2005 йил 30 сентябрь,
1-сон

Соғлиқни сақлаш вазирлиги,
«Ўзстандарт» агентлигининг
2005 йил 30 сентябрдаги
01-1/54, 1-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

## Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига санитария-эпидемиологик хулоса бериш тартиби тўғрисида

*(илова номига киритилган ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сонли қарорига (рўйхат рақами 1525-1, 15.01.2018 й.) асосан 2018 йил 16 апрелдан кучга киради — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/1525-1/0566-сон)*

ЙЎРИҚНОМА

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги, «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Радиацион хавфсизлик тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сон «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига (бундан буён матнда маҳсулотлар деб юритилади) санитария-эпидемиологик хулоса бериш тартибини белгилайди.

*(муқаддимага киритилган ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сонли (рўйхат рақами 1525-1, 15.01.2018 й.) қарорига асосан 2018 йил 16 апрелдан кучга киради — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/1525-1/0566-сон)*

### I. Умумий қисм

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

1. Санитария-эпидемиологик хулоса — озиқ-овқат маҳсулотининг ва уни тайёрлаш ҳамда ундан фойдаланиш учун мўлжалланган ускуналарнинг санитария қоидаларига, нормаларига ва гигиена нормативларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат.

*(1-бандга киритилган ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сонли (рўйхат рақами 1525-1, 15.01.2018 й.) қарорига асосан 2018 йил 16 апрелдан кучга киради — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/1525-1/0566-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

2. Санитария-эпидемиологик хулоса техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда гигиеник нормалар ва талаблар мавжуд бўлган маҳсулотларга берилади.

*(2-бандга киритилган ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сонли (рўйхат рақами 1525-1, 15.01.2018 й.) қарорига асосан 2018 йил 16 апрелдан кучга киради — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/1525-1/0566-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

3. Санитария-эпидемиологик хулоса бериш учун маҳсулот экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сонли қарорибилан тасдиқланган «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисида»ги низомда белгиланганидан ошмаган миқдорларда ариза берувчи маблағлари ҳисобига ўтказилади.

*(3-бандга киритилган ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сонли (рўйхат рақами 1525-1, 15.01.2018 й.) қарорига асосан 2018 йил 16 апрелдан кучга киради — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/1525-1/0566-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

4. Маҳсулотлар экспертизаси техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларида гигиеник нормалар ва талаблар мавжуд бўлган:

*(4-банднинг биринчи хатбошисига киритилган ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сонли (рўйхат рақами 1525-1, 15.01.2018 й.) қарорига асосан 2018 йил 16 апрелдан кучга киради — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/1525-1/0566-сон)*

янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилганда;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таркиби ўзгарганда;

маҳсулотларни ишлаб чиқариш технологик жараёнининг конструкциялари, комплектациялари ўзгарганда;

тажриба учун ишлаб чиқарилган маҳсулотларга;

республика ҳудудига олиб кириладиган озиқ-овқат маҳсулотлари, ишлаб чиқариш воситалари ва халқ истеъмоли молларига;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

маҳсулот ишлаб чиқариш учун берилган санитария-эпидемиологик хулосанинг яроқлилик муддати тугаганда ўтказилади.

*(4-банднинг еттинчи хатбошисига киритилган ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сонли (рўйхат рақами 1525-1, 15.01.2018 й.) қарорига асосан 2018 йил 16 апрелдан кучга киради — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/1525-1/0566-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

5. Маҳсулотларни гигиеник кўрсаткичларини аниқлаш учун таҳлиллар Ўзбекистон Республикаси Миллий аккредитация тизимида аккредитация қилинган давлат санитария назоратининг ҳудудий органлари (бундан буён матнда ДСЭНМ деб юритилади) лабораторияларида (бундан буён матнда лаборатория деб юритилади) аккредитация соҳасига мувофиқ амалга оширилади.

*(5-бандга киритилган ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сонли (рўйхат рақами 1525-1, 15.01.2018 й.) қарорига асосан 2018 йил 16 апрелдан кучга киради — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/1525-1/0566-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

6. Бир-бирини такрорловчи таҳлиллар ўтказилишининг олдини олиш мақсадида аккредитация қилинган лабораториялар бошқа аккредитация қилинган лабораторияларнинг таҳлил натижаларини тан олишлари лозим.

*(6-бандга киритилган ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сонли (рўйхат рақами 1525-1, 15.01.2018 й.) қарорига асосан 2018 йил 16 апрелдан кучга киради — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/1525-1/0566-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

## II. Санитария-эпидемиология экспертизасини ўтказиш

*(II-бобнинг номига киритилган ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сонли (рўйхат рақами 1525-1, 15.01.2018 й.) қарорига асосан 2018 йил 16 апрелдан кучга киради — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/1525-1/0566-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

7. Маҳсулотни санитария-эпидемиологик экспертизасини ўтказиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

аризани қабул қилиш;

аризага илова қилинган ҳужжатларни ўрганиш;

маҳсулот экспертизаси режасини тузиш;

санитария-эпидемиология экспертизасини ўтказиш тўғрисида шартнома тузиш;

ишлаб чиқариш объектини санитария текширувидан ўтказиш ва лаборатория таҳлилларини ўтказиш учун маҳсулотлардан намуналар олиш;

лаборатория таҳлилларини ўтказиш;

санитария-эпидемиологик хулосани бериш.

*(7-бандга киритилган ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сонли (рўйхат рақами 1525-1, 15.01.2018 й.) қарорига асосан 2018 йил 16 апрелдан кучга киради — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/1525-1/0566-сон)*

## § 1. Аризани қабул қилиш, ҳужжатларни ўрганиш ва маҳсулот экспертизаси режасини тузиш

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

8. Санитария-эпидемиологик хулоса олиш учун ариза берувчи ҳудудий ДСЭНМ Бош врачи номига мазкур Йўриқноманинг 1-иловасида келтирилган шаклда ариза билан мурожаат қилади.

*(8-бандга киритилган ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сонли (рўйхат рақами 1525-1, 15.01.2018 й.) қарорига асосан 2018 йил 16 апрелдан кучга киради — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/1525-1/0566-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

9. Аризага ишлаб чиқариладиган маҳсулотга техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатнинг нусхаси (Давлатлараро стандарт — ГОСТ, Ўзбекистон Республикасининг Давлат стандарти — O'zDSt, Ташкилотнинг стандарти — Ts) ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда — технологик йўриқнома ва рецептура илова қилинади.

*(9-банднинг биринчи хатбошисига киритилган ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сонли (рўйхат рақами 1525-1, 15.01.2018 й.) қарорига асосан 2018 йил 16 апрелдан кучга киради — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/1525-1/0566-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Четдан олиб келинадиган маҳсулотга санитария-эпидемиологик хулоса олиш учун қўшимча равишда:

*(9-банднинг иккинчи хатбошисига киритилган ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сонли (рўйхат рақами 1525-1, 15.01.2018 й.) қарорига асосан 2018 йил 16 апрелдан кучга киради — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/1525-1/0566-сон)*

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига келганлик тўғрисидаги белги қўйилган ҳолда товарга илова қилинадиган ҳужжатларнинг (товар-транспорт юк хати, инвойс, счёт-фактура) нусхалари;

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

ишлаб чиқарувчининг келиб чиқиш мамлакати сертификати (товарнинг келиб чиқиши тўғрисида ишончли маълумот мавжуд бўлмаган тақдирда) нусхалари;

*(9-банднинг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2018 йил 22 октябрдаги 49, 323-сонли қарори (рўйхат рақами 1525-2, 08.11.2018 й.) таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.11.2018 й., 10/18/1525-2/2171-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

айнан бир хил маҳсулот бир ташқи савдо шартномаси (контракти) доирасида четдан олиб келинаётган ҳолларда ушбу ташқи савдо шартномаси (контракти) нусхаси тақдим этилади.

*(9-банд Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2018 йил 22 октябрдаги 49, 323-сонли қарорига (рўйхат рақами 1525-2, 08.11.2018 й.) асосан бешинчи хатбоши билан тўлдирилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.11.2018 й., 10/18/1525-2/2171-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

10. Санитария-эпидемиологик хулоса олиш учун ариза келиб тушган куни ижро учун ҳудудий ДСЭНМ бош врачи имзоси билан санитария-эпидемиологик хулоса бериш билан шуғулланувчи бўлим (бўлинма) мудирига берилади.

*(10-бандга киритилган ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сонли (рўйхат рақами 1525-1, 15.01.2018 й.) қарорига асосан 2018 йил 16 апрелдан кучга киради — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/1525-1/0566-сон)*

11. Бўлим (бўлинма) мудири соҳа мутахассислари – овқатланиш гигиенаси, меҳнат гигиенаси, коммунал гигиена, болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўлимлари ва бошқа бўлим врач-мутахассислари билан биргаликда ариза ҳамда унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Агарда ҳужжатлар тўлиқ ҳолда тақдим қилинган бўлса, маҳсулот турига қараб экспертиза (намуналар олиш, ишлаб чиқариш объектида санитария текширувини ўтказиш), лаборатория (санитария-кимёвий, бактериологик, радиологик, токсикологик, паразитологик) таҳлиллари ўтказиш режаси тузилади хамда санитария-эпидемиологик хулоса бериш учун масъул санитария врачи тайинланади.

*(11-банднинг иккинчи хатбошисига киритилган ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сонли (рўйхат рақами 1525-1, 15.01.2018 й.) қарорига асосан 2018 йил 16 апрелдан кучга киради — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/1525-1/0566-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Маҳсулот экспертизаси режаси тузилганидан кейин ҳудудий ДСЭНМ ва ариза берувчи ўртасида санитария-эпидемиология экспертизаси ўтказиш тўғрисида шартнома тузилади.

*(11-банднинг учинчи хатбошисига киритилган ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сонли (рўйхат рақами 1525-1, 15.01.2018 й.) қарорига асосан 2018 йил 16 апрелдан кучга киради — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/1525-1/0566-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(11-банднинг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сонли қарорига (рўйхат рақами 1525-1, 15.01.2018 й.) асосан чиқарилган— Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/1525-1/0566-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

12. Ҳужжатлар тўлиқ ҳолда тақдим қилинмаган тақдирда ҳудудий ДСЭНМ томонидан бир кунлик муддат ичида ариза берувчига қонунчиликнинг аниқ нормалари кўрсатилган ҳолда санитария-эпидемиологик хулоса бериш рад этилганлиги тўғрисида ёзма шаклда маълум қилинади.

*(12-бандга киритилган ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сонли (рўйхат рақами 1525-1, 15.01.2018 й.) қарорига асосан 2018 йил 16 апрелдан кучга киради — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/1525-1/0566-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

*(13-банд Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сонли (рўйхат рақами 1525-1, 15.01.2018 й.) қарорига асосан 2018 йил 16 апрелдан ўз кучини йўқотади — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/1525-1/0566-сон)*

14. Маҳсулот келиб чиқишига кўра, ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсига тегишли бўлган тақдирда, масъул санитария врачи ҳужжатлар олинган санадан кейинги кундан кечикмай, ветеринария ёки фитосанитария хулосаси бериш бўйича ваколатли органларга мурожаат қилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

15. Ветеринария ёки фитосанитария хулосаси Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитасининг туман (шаҳар) бўлимлари (бундан буён матнда Давлат ветеринария хизматининг ҳудудий бўлинмалари деб юритилади) ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясинининг ҳудудий инспекциялари (бундан буён матнда Ўсимликлар карантини бўйича ҳудудий инспекциялар деб юритилади) томонидан берилади.

*(15-бандга киритилган ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сонли (рўйхат рақами 1525-1, 15.01.2018 й.) қарорига асосан 2018 йил 16 апрелдан кучга киради — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/1525-1/0566-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

16. Давлат ветеринария хизматининг ҳудудий бўлинмалари йигирма кунгача бўлган муддат билан белгиланган тартибда ажратиб қўйиш-чеклаш тадбирларини (карантин) белгилаши мумкин. Бунда ветеринария хулосаси бериш тартиботи карантин муддати тамом бўлгунга қадар тўхтатиб турилади. Ветеринария ёки фитосанитария хулосасини тайёрлаш ва бериш муддати уч иш кунидан ошмаслиги керак.

*(16-бандга киритилган ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сонли (рўйхат рақами 1525-1, 15.01.2018 й.) қарорига асосан 2018 йил 16 апрелдан кучга киради — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/1525-1/0566-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

17. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари тегишли хулосалар олиш учун Давлат ветеринария хизматининг ҳудудий бўлинмалари ва Ўсимликлар карантини бўйича ҳудудий инспекцияларга мустақил равишда мурожаат қилишга ҳақлидир.

*(17-бандга киритилган ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сонли (рўйхат рақами 1525-1, 15.01.2018 й.) қарорига асосан 2018 йил 16 апрелдан кучга киради — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/1525-1/0566-сон)*

## § 2. Ишлаб чиқариш объектини санитария текширувидан ўтказиш ва маҳсулотлардан намуналар олиш

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

18. Тақдим этилган ҳужжатлар ўрганиб чиқилгандан кейин масъул санитария врачи томонидан белгиланган тартибда ишлаб чиқариш объектини текшириш ва/ёки лаборатория таҳлиллари учун намуналар олиш мақсадида жойнинг ўзига борилади.

*(18-бандга киритилган ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сонли (рўйхат рақами 1525-1, 15.01.2018 й.) қарорига асосан 2018 йил 16 апрелдан кучга киради — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/1525-1/0566-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

19. Маҳсулотларга санитария-эпидемиологик хулоса бериш уларни ишлаб чиқариш техник ускуналарига санитария-эпидемиологик хулоса олишни талаб қилган ҳолларда аввал техник ускуналарга санитария-эпидемиологик хулоса олиниши лозим.

*(19-банднинг биринчи хатбошисига киритилган ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сонли (рўйхат рақами 1525-1, 15.01.2018 й.) қарорига асосан 2018 йил 16 апрелдан кучга киради — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/1525-1/0566-сон)*

Бунинг учун масъул санитария врачи томонидан лаборатория мутахассиси билан биргаликда ишлаб чиқариш корхонасидаги техник ускуналардан суртмалар олинади ҳамда икки нусхада мазкур Йўриқноманинг 2-иловасида келтирилган шаклда санитария текшируви далолатномаси расмийлаштирилади. Далолатнома масъул санитария врачи, лаборатория мутахассиси ва маҳсулот эгаси ёки унинг вакили томонидан имзоланиб, унинг бир нусхаси маҳсулот эгаси ёки унинг вакилига берилади.

Суртмалар техник ускунанинг бевосита маҳсулотга тегиб турадиган жойидан олинади.

Технологик ускунадан олинган суртмалар лабораторияга топширилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

20. Республикада ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга санитария-эпидемиологик хулоса олиш учун маҳсулотларнинг намунавий партияси ишлаб чиқарилади.

*(20-бандга киритилган ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сонли (рўйхат рақами 1525-1, 15.01.2018 й.) қарорига асосан 2018 йил 16 апрелдан кучга киради — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/1525-1/0566-сон)*

21. Маҳсулот экспертизаси ўтказилишида маҳсулот бўйича тақдим этилган ҳужжатларнинг маҳсулотларга мувофиқлиги таққосланади.

Шунингдек, маҳсулотларни ташишда қўлланиладиган транспорт воситасининг санитария ҳолати, маҳсулотларни сақлаш шароитларига баҳо берилади.

22. Маҳсулот идишлари, ўров материалларининг ҳолати бўйича қуйидагилар ўрганилади:

номи, шифри, нави, ТИФ ТН коди;

маҳсулот ишлаб чиқарувчининг номи;

истеъмолга яроқлилик ва ишлаб чиқарилган муддати (яроқлилик муддати тугаган маҳсулотлар экспертизадан ўтказилмайди);

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг рўйхат рақамлари;

*(22-банднинг бешинчи хатбошисига киритилган ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сонли (рўйхат рақами 1525-1, 15.01.2018 й.) қарорига асосан 2018 йил 16 апрелдан кучга киради — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/1525-1/0566-сон)*

маҳсулотларни сақлаш шароити, бузилиш аломатлари, ифлосланганлиги, бегона ҳидларнинг бор ёки йўқлиги;

маҳсулот шиша идишларда бўлса, уларнинг берклиги;

озиқ-овқат маҳсулотларини ташиш, қадоқлаш материаллари, ёрдамчи материаллар хавфсизлик кўрсаткичларининг санитария қоида ва меъёрлари талабларига жавоб бериши.

23. Маҳсулотларнинг сифатига шубҳа туғилмаган тақдирдагина уларнинг мазаси тотиб кўрилиши мумкин.

24. Ишлаб чиқариш корхонасини ёки республика ҳудудига олиб кирилаётган маҳсулотларнинг санитария текшируви натижалари бўйича икки нусхада мазкур Йўриқноманинг 2-иловасида келтирилган шаклда корхона санитария текшируви далолатномаси тузилади. Далолатнома масъул санитария врачи ва маҳсулот эгаси ёки унинг вакили томонидан имзоланиб, унинг бир нусхаси маҳсулот эгаси ёки унинг вакилига берилади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

25. Масъул санитария врачи маҳсулот намунасини бактериологик, токсикологик, санитария-кимёвий, радиологик, паразитологик, вирусологик таҳлиллар учун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган миқдорда олади ва икки нусхада мазкур Йўриқноманинг 3-иловасида келтирилган шаклда намуна олиш далолатномаси тузади. Далолатнома санитария врачи ва маҳсулот эгаси ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Унинг бир нусхаси маҳсулот эгаси ёки унинг вакилига берилади.

*(25-бандга киритилган ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сонли (рўйхат рақами 1525-1, 15.01.2018 й.) қарорига асосан 2018 йил 16 апрелдан кучга киради — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/1525-1/0566-сон)*

26. Намуналар тоза идишга жойланади, маркаланади, сурғучланади ва масъул санитария врачи томонидан намуна олинганлиги тўғрисидаги далолатноманинг бир нусхаси билан аккредитациядан ўтган ДСЭНМ лабораториясига тақдим қилинади. Бактериологик синовлар учун олинган намуналар стерилланган идишда ёки оригинал ўрамда жўнатилади.

27. Олинган намуналар маҳсулот партиясини тўлиқ равишда акс эттириши лозим.

28. Тури бир хил, нави ва номланиши бир хил, бир сменада ишлаб чиқарилган ва технологик жиҳатдан бир хил ишловдан ўтган маҳсулот бир хил партия ҳисобланади.

Битта ишлаб чиқариш объектида тайёрланган, маълум ҳажм ва оғирликдаги, бир хил юк хати ва сифат сертификатига эга бўлган маҳсулот бир хил юк партияси ҳисобланади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

28[1]. Бир неча турдаги маҳсулотларга хулоса бериш даврида санитария врачи тақдим этилган ҳужжатлар ва маҳсулотларни ўрганиб чиқиб, тури, нави, таркиби ва номланиши бир хил, бир сменада ишлаб чиқарилган, технологик жиҳатдан бир хил ишловдан ўтган, битта юк хатига эга бўлган маҳсулотлардан умумлаштириш йўли билан лаборатория таҳлиллари ўтказиш учун намуналар олиши мумкин. Мазкур талаб гўштли, сутли, консерва маҳсулотлари, консерваланган озиқ-овқат маҳсулотлари, болалар учун тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари, озуқавий қўшимчалар, овқатга қўшиладиган биологик фаол қўшимчаларга нисбатан татбиқ этилмайди.

*(28[1]-банд Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сонли (рўйхат рақами 1525-1, 15.01.2018 й.) қарорига асосан киритилган, мазкур банд 2018 йил 16 апрелдан кучга киради — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/1525-1/0566-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

## § 3. Лаборатория таҳлилларини ўтказиш

*(3 параграфга киритилган ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сонли (рўйхат рақами 1525-1, 15.01.2018 й.) қарорига асосан 2018 йил 16 апрелдан кучга киради — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/1525-1/0566-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

29. Лабораторияга тақдим этилган намуналар бўйича тегишли маълумотлар мазкур Йўриқноманинг 3а-иловасига мувофиқ шаклдаги журналга киритиб борилади. Бунда, маълумотлар киритилгандан кейин хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича таҳлиллар тўлиқ ўтказилади.

*(29-бандга киритилган ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сонли (рўйхат рақами 1525-1, 15.01.2018 й.) қарорига асосан 2018 йил 16 апрелдан кучга киради — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/1525-1/0566-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

30. Маҳсулотлар тури бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талаблардан келиб чиққан ҳолда хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича лаборатория мутахассислари (бактериолог, токсиколог, вирусолог, санитария-гигиеник, паразитолог, кимё, радиолог) томонидан таҳлиллар ўтказилади.

*(30-бандга киритилган ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сонли (рўйхат рақами 1525-1, 15.01.2018 й.) қарорига асосан 2018 йил 16 апрелдан кучга киради — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2018 й., 10/18/1525-1/0566-сон)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

31. Маҳсулотларнинг хавфсизлик кўрсаткичлари санитария норма ва қоидаларида ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда кўрсатилган усуллар бўйича аниқланади.

